

7-10-2019

RELIGIOUS INTERPRETATION OF TIME IN EPOS "ALPOMISH"

Dilmurod Ahmadaliyevich Ashurov

Namangan State University Teacher of the department of Uzbek language and literature

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ashurov, Dilmurod Ahmadaliyevich (2019) "RELIGIOUS INTERPRETATION OF TIME IN EPOS "ALPOMISH"," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 35.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/35>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

RELIGIOUS INTERPRETATION OF TIME IN EPOS "ALPOMISH"

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДА ВАҚТ ТУШУНЧАСИНИНГ ДИНИЙ ТАЛҚИНИ

Ашуров Дилмурод Аҳмадалиевич

Наманган Давлат Университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада “Алпомиш” достони материаллари асосида вақтнинг ифодаланиши ҳақида сўз боради. Матн асосида вақтни билдирувчи бирликлар лингвокультурологик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тил бирлиги, вақт тушунчаси, маданий сема, диний талқин, замон категорияси.

**РЕЛИГИОЗНАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЗНАЧЕНИЯ ВРЕМЕНИ В ЭПОСЕ
“АЛПАМИШ”**

Ашуров Дилмурод Аҳмадалиевич

Наманган Государственный Университет

Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы

Аннотация: Данная статья посвящена изучению выражения времени в материалах эпоса “Алпомиш”. На основе текста осуществлен лингвокультурологический анализ языковых единиц означающих время.

Ключевые слова: языковая единица, понятия «время», культурная сема, религиозная интерпретация, категория времени.

RELIGIOUS INTERPRETATION OF TIME IN EPOS “ALPOMISH”

Ashurov Dilmurod Ahmadaliyevich

Namangan State University

Teacher of the department of Uzbek language and literature

Abstract: This article is devoted to the study of time expressions based on materials of poem “Alpomish”. On the basis of the text linguistic units expressed time are analyzed.

Keywords: linguistic units, time perception, cultural perception, religions interpretation, category of time

Маълумки, Ислом дини ўзбек халқининг маънавий ва моддий турмуш тарзида асрлар мобайнида катта аҳамият касб этиб келган. Ҳаёт синовлари ва маиший муаммоларни ҳал этишда дин арконлари ва исломий қоидаларга риоя қилинган. Бу ҳолат қарийб ўн уч асрдан буён давом этиб келаётгани сабабли ҳам тилимизда луғавий бирликларнинг маданий семаларини аниқлашда Ислом динига оид тушунча ва қоидаларга тез-тез мурожаат қилишга тўғри келади.

Вақт ва замон масаласи қадимги даврлардан бошлаб дунё олимларини қизиқтириб келган. Бу масала дастлаб файласуфлар, табиатшунослар томонидан тадқиқ қилинган бўлса, кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида А.В.Бондарко, Г.А.Золотова, М.В.Всеволодова, Ю.С.Степанов, Н.Д.Арутюнова, Т.В.Булыгина,

А.Д.Шмелев, А.В.Кравченко, Л.Н.Гумилев, С.М.Толстая, Т.В.Цивьян, В.М.Мокиенко, М.М.Маковский, Л.Н.Михеева, Л.Н.Плахотнюк ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида Х.Ахтамова, О.Бозоров, Д.Шодмонқулова, Қ.Қодиров, М.Ҳақимова, М.Султонова, Н.Ибрагимов кабиларнинг тадқиқотларида замон масаласи тилшуносликнинг турли аспектида ўрганилган [1,2,3,4,5,8,9]. М.Султонованинг тадқиқотида муқаддас матнлардаги замон категориясини ифодаловчи темпорал сўзларнинг лингвомаданий хусусиятлари бир мунча кенг ёритилган [4]. Аммо халқ достонлари мисолида вақт тушунчасининг лингвокультурологик хусусиятлари ҳақида махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ушбу ишда **«Алпомиш» достонида** қўлланган диний қарашлар билан боғлиқ вақт масаласи ҳақида баъзи мулоҳазалар айтиб ўтилади. **Ўзбек халқ эпоси «Алпомиш» достонида ўзбек маданияти, дунёқарашининг барча муҳим нуқталари жамланган.**

«Алпомиш» достонида вақт тушунчасининг ифодаланиши диний қадрият ва тушунчалар билан узвий боғланиб кетган. Достонда бахшилар сутка қисмларини ифодалашда диний қарашларга ҳам мурожаат этиб борганлар.

Ш.Султонова ўз ишида намоз вақтини билдирувчи бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон каби лексемаларни иш-ҳаракат содир бўлиш пайтига ишора қилувчи сўзлар сифатида кўрсатади [4:15]. Ҳақиқатан ҳам қадимдан диний амаллар ўтказиладиган вақт номлари кишилар нутқида намоз вақтини билдиришидан ташқари, куннинг маълум бир қисмига ишора қилувчи вақт бирлиги сифатида қўлланилиб келинган. Бу ҳилда вақт birlikларини номлаш чорвадорлар, деҳқонлар, ҳунармандлар учун қулайлик туғдиради.

Биламизки, намоз вақти қуёш ҳаракатига боғлиқ ҳолда турли соатларга тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, қадимдан мана шундай вақт birlikлари орқали ишларни режалаштириш амалга оширилган. Халқ тафаккурида бомдод – куннинг бошланиши, пешин – қуёшнинг ерга тик тушган пайти, куннинг ўртаси, шом – ишларнинг тугаш вақти сифатида ўрнашган.

Намоз вақтида Ойна кўли кўрина берди. Намоз вақти бўлиб, тонг ёриша берди. Намоз вақти гоз Хомуш кўлига қўниб, донлаб юра берди [6;249]. Бу мисолда айнан қайси намоз вақти эканлиги келтирилмаган бўлса-да, жумладаги "тонг ёриша берди" бирикмаси орқали бомдод намози вақти бўлганлигини тушуниш қийин эмас. Тонгдан қуёш чиққунгача бўлган вақт – бомдод намози вақтига қараб белгиланган. Шу билан бирга, юқоридаги парча орқали бомдод вақти кишиларнинг фаол жисмоний фаолияти бошланиши вақти ҳам англашилади. Халқимиз маданиятида тонгда ҳовли дарвозаларини очиб қўйиш, кўча ва ҳовлини супуриб-сидириш, эрта тонгдан бирор ишга киришиш каби одатлар бор. Одамлар онгига эрта тонгда фаришталар файз-барака улашади деган қараш мавжуд. Бундан ташқари яхши хабарлар ҳам айнан тонгда тарқатилган. Юқоридаги парчада ҳам Алпомишдан хат олиб келган ғознинг тонг саҳарда учиб келиши мужда эканлиги билан боғланади. Кейинчалик Ҳақимбек Қултой кийимида ўз юртига қайтганида ҳам худди шу вақт ўлчовидан фойдаланади:

Давра олиб шунқор осмонга учди, Намоз вақти келди-да Кўнгирутга тушди [6;442].

Алпомиш ҳақида хабардор қилган мужданинг сутканинг саҳар қисмида келиши ва бу вақтда Қалдирғочойимнинг меҳнат билан банд эканлиги қуйидаги хулосаларни беради:

1. Бомдод (тонг) вақти халқимизда қут-барака вақти сифатида қадрланади.
2. Қалдирғочойим одатий ўзбек аёли сифатида тонг вақтида маиший меҳнат билан (бу ўринда туя боқиш) машғул бўлган.
3. Бахши бахт ва севинч хабарини етказиш учун айнан тонг вақтини танлаган.

Алпомиш тилидан келтирилган қуйидаги парчада *саҳар* лексемаси *файз* лексемаси билан изофа шаклида келиб, юқоридаги фикримизни далиллайди: *Кеча ётиб, файзи саҳар туш кўрдим, Ул тушимда хўп ажойиб иш кўрдим* [6;441].

Намошомда бориб, ўтлоқ жой экан, деб қўйни чўпонлар қўйиб юборди. Мингта бўтали туя, мингта кулунли бия, қирқта қул, чўпонлари билан экинни ораб олди. Оқшом ётди [6;249].

Юқоридаги мисолларда намозгар – шом намози ўқиладиган вақт, туннинг кириш вақти кундалик машғулотларнинг тиниш вақти эканлиги кўринади. Кўчманчи чорвадор аҳоли эса бу вақтда сурувни ўз холига қўйган.

Бу матнда намошом (намозшом – шом вақти) вақт бирлиги сифатида иккинчи функцияга ҳам эга. Шом вақти атрофнинг хира кўриниши, нарсаларни ажратиш қийинлигини билдириб, дostonда сюжет тугунларидан бирини ҳосил қилган. Кўчманчилар Тойчи ўлкасидаги экинларни ўтлоқ деб ўйлаб, чорва молларини қўйиб юбориши, биринчидан, уларнинг экинни билмасликлари, иккинчидан, атрофнинг қоронғилиги билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Халқимизда шом вақтида меҳмонга кириш, бирор юмуш билан машғул бўлиш хосиятсиз ҳисобланган. Дostonда ҳам айнан кейинги тугуннинг ўсиб чиқиши учун мана шу вақт бирлигидан фойдаланилган. Халқ қарашларида шом пайти ғайритабиий кучлар – жинлар қўзғаладиган пайт сифатида ўрнашганлиги Абдулла Қодирийнинг «Жинлар базми» ҳикоясида ҳам тасвирлаб берилган.

Дoston матнида намоз вақти – бомдод ҳамда намозшом – шом намози вақти "эрта-кеч" семалари воситасида зидланишга киришади: *Ойна кўли кўп катта кўл эди. Намоз вақтида Ойна кўли кўрина берди. Ойнанинг кўлига етдик, деб ўн минг уйли Кўнгирот халқи қўйни ҳайдаб кета берди, кўп кўй чанги тўзон тутиб бора берди. Намозшом бўла берди* [6;249].

Мазкур матнда Ойна кўлининг катталиги тасвирланмоқда. Бу мақсад учун Ойна кўли намоз вақтида (шомда) кўрингани, одамлар намозшомда (кечга) етиб келганликлари мисол қилиб келтирилади. Бунда масофа (кўлгача), тезлик (инсон қадами), вақт (намоз вақтлари оралиғи)нинг ифодаланиши халқимиз дунёқарашининг муайян қирралари билан боғлиқ.

Қуйидаги парчада ҳам намозшом вақти тасвири берилади:

Бу гапни айтиб, бир тоққа бориб қопланди. Дарасини топмай қолди. Эрта кун намозшом бўлди. Отдан тушиб пиёда бўлди. Отни етаклаб, пиёда бўлиб, тоққа қараб жўнай берди [6;295]. Қаҳрамоннинг отдан тушиб пиёда бўлиши йўлнинг яхши

кўринмаслиги ва тоғ жойда кеч бўлганда отнинг хуркиш эҳтимоли борлигини англади.

Жонивор гарданини ерга солиб, Ҳакимбекнинг гапни қулогига олиб, йўргалаб, майин йўргага солиб, Қоражоннинг кўнглини олиб, одамнинг раъйига қараб, йўлга кирди. Кун ёйилиб, чошка бўлди. Бойсарининг уйига тўғри бўлди [6;314].

Халқимизда чошгоҳ вақти куннинг бир қисми сифатида “куёшнинг найза бўйи кўтарилиши” вақтини билдиради. Бу вақтда ўқиладиган намоз “зуҳо” деб аталади. Унинг табиий тасвири “кун ёйилиб” бирикмаси орқали берилган.

Эртанг пешинга муҳлат беринглар, “Эртанг пешинда келсанг, жавобини бераман”, – деб тайин қилдим [6;261]. Пешин куннинг ярми ўтган пайт [7;251], куёш қиёмдан оққандан кейинги намоз вақти бўлиб, маълум муҳлат белгиланганда пешинга қадар кенгаша олиш, шунингдек, маслаҳатгўйлар билан бир ўринга йиғилиш учун пешин намози вақти танланиши халқнинг кундалик турмушида намоз вақтларининг ҳам ўрни муҳимлигини англади. Шу билан бирга пешин намози (жумладан, жума намозида) жамоа бўлиб ўқишга қулай ҳисобланади. Бойсарибий тилидан келтирилган юқоридаги парчада халқнинг кундалик турмуш тарзида намоз вақти муҳим аҳамият касб этиши кўзга ташланади. Замоннинг сўзловчилар томонидан нутқ ижроси вақтига боғлиқ ҳолда белгиланиши нутқий вазият реал вақтни талаб қилаётганини кўрсатади. Шу туфайли ҳам шошилиш, тез ҳал қилиниши лозим бўлган ишларга муҳлат олишда нутқий вазият учун реал вақтни билдирувчи сўзлар, яъни равишлардан фойдаланиш кўп кузатилади. Иккинчидан, юқоридаги мисолларда Бойсарибий дини, дунёқароши, яшаш шароити ҳар хил бўлган қалмоқлар билан музокара олиб борапти, улар билан вақтнинг умумий номланиш нуқталарини топганлиги ҳам нутқ шароити билан боғлиқлиги кўринади. Алпомишнинг Қалмоқ ўлкасидан қайтгандан кейинги вазият қуйидагича тасвирланади: *Тирик айрилганни кўрар экан жамоат, Кун ёйила, кун ёйила келувди, Пешингача келиб қилди зиёрат [6;475].*

Парчада одамлар Алпомишни кўриш учун келгани, бу пешингача давом этгани тасвирланмоқда. Халқимизда бирор хабарни эшитганда, эрта тонгдан ҳаракатга тушса, пешингача етиб бориши ҳисобга олинган. Пешиндан кейин келиш эса хабарга эътиборсизликни билдирган. Умуман, яхши ёки ёмон хабарга муносабат билдириш ҳам ўзаро муносабатларда муҳим ўринга эга бўлган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, бошқа Европа халқларига нисбатан ўзбек халқида аниқ вақт масаласига қатъий эътибор қаратилмаган. Қадимдан куёшнинг чиқиши ишларнинг бошланиши, унинг ботиши эса ишларнинг якунланиши сифатида қаралган. Ўтроқ аҳоли, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланганлиги учун кун билан боғлиқ вақт асосий мезон сифатида тушунилган. Ислом динининг ёйилиши билан намоз вақтларига қатъий амал қилиниши туфайли вақтга муносабат ўзгарди. Шунинг учун Ислом дини кенг ёйилган ҳудудларда вақт намоз ўқиладиган пайтга боғлиқ равишда қабул қилинишига олиб келди. Бу белгиланиш барча учун тушунарли бўлганлиги учун дин билан боғлиқ вақт

бирликларини қўллаш фаол ҳисобланади. Бу ўз навбатида халқ дostonларида ўз аксини топган.

References:

1. Axtamova X. Payt munosabatini ifodalovchi ko'makchi formalar // O'zbek tili va adabiyoti. 1988. № 1 – B. 47-51.
2. Bozorov O. O'zbek tilida darajalanish. – Toshkent: Fan, 1995.
3. Ibragimov N. «Vaqt» tushunchasining xalqlar madaniyatida qo'llanishi // Til va adabiyot ta'limi, 2016, №1. 45-46-b.
4. Sultonova Sh. Muqaddas matnlarda zamon kategoriyasining lingvomadaniy xususiyatlari: Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori ... diss. avtoref.– Farg'ona, 2018.
5. Shadmankulova D.X. Sposobi virajeniya vremennix otnosheniy v sovremennom uzbekskom literaturnom yazike. Avtoref. dis. kand. filol. nauk. – Tashkent, 1990.
6. O'zbek xalq ijodi yodgorliklari. 10-jild. Alpomish. (Egamberdi baxshi Ollomurod o'g'li varianti). – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016.
7. O'zbek tilining izohli lug'ati. Uchinchi jild. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2007.
8. Qodirov Q. O'zbek sehrli ertaklarida zamon va makon talqini: Filol. fan. nomz. diss. – Toshkent, 2004.
9. Hakimova M. O'zbek tilida vaqt ma'noli lug'aviy birliklar va ularning matn shakllantirish imkoniyatlari. – Farg'ona, 2004.